

## Чингиз Айтматов Амир Темур ҳақида

XX асрда туркийлардан чиққан энг машҳур ижодкор, шубҳасиз Чингиз Айтматовдир. Чингиз Айтматов Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг содиқ дўсти эди. “Ўзбекистон - қалбим менинг. Бу шундай ерки, бу ерда қалбим, жисмим енгил нафас олиб оромланади. Бу жуда ажойиб. Ўзбекистон маданият – бешиги...” - дея ёзганида улкан ёзувчининг юртимизга меҳри балқиб турибди.

2018 йили 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” фармони эълон қилинганди. Фармонда шундай ҳаққоний сўзлар бор: “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама - қаршилиқдан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган “ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шани ва обрў -эътиборини катта минбардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл- юртимиз ҳамиша миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ишодкорнинг давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради”.

Улуғ адибнинг “улкан дўстлиги”га унинг Ўзбекистон ҳақида ёзган мақолалари, ўзбек адиблари, тарихий шахслар тўғрисидаги фикрлари, хатлари далилдир. Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжумандаги “Амир Темур феномени” номли маърузаси бунинг ёрқин мисолларидан бири.

Маърузада катта бир рисоланинг мазмуни, салмоғи бор. Бу ўтмишдаги даҳога замонамиздаги буюк ижодкорнинг берган ҳаққоний баҳосининг юксак кўринишидир. “Амир Темурнинг ўрни бўлакча, вақт тушунчасига бўйсунмайди. У ҳаммамиз учун ватанпарварликнинг умумтуркий эътиқод тимсолидир.

Амир Темур феномени шундан дарак берадики, борди-ю шахс тарихда тақдирларни ҳал қилган воқеа – ҳодисаларни, ўта муҳим геосиёсий ва маданий ислохотларни амалга оширган бўлса, аллазамонларда ҳаётдан кўз юмганларига қарамасдан, бу шахснинг битмас-туганмас маънавий – руҳий қувватини ҳаёт сақлаб қолар экан”. Тушунган одамга буюк адиб Чингиз Айтматов:–“Эй , Амир Темур авлодлари сизда Темурнинг руҳи яшаётир, битмас маънавий хазинангиз бор”- деяётгандек бўлади. Ёзувчи давом этади: “Бунда муайян трансформация, силжиш рўй беради, ўтмиш биоэнергияси ўзгариб, бугунги кун биоэнергиясига, миллатнинг янада куч олган ҳозирги авлодларининг биоэнергиясига айланади. Бунинг учун беназир шахснинг амалиёти ва ютуқ – муваффақиятлари янги авлодлар ҳаётида ҳаракатга келтирувчи кучнинг зарурий унсури, ҳаётнинг амалдаги дастурининг зарурий таркибий қисми бўлиб қолмоғи, миллий ва дунёвий миқёс касб этмоғи зарур. Шу муносабат билан яна таъкидлаш лозимки, Амир Темур феноменининг кўрсатишича, талаб –таклифсиз, бостириб келаётган тарихнинг даъватисиз, бунга авлодларнинг иштиёқсиз ўтмиш руҳи уйғонмаяжак. Шу кеча-кундузларда Амир Темур мероси ана шундай идрок этилмоқда”. (Иқтибослар Суюн

Қораевнинг “Чингиз Айтматов – буюк ёзувчи, камтарин инсон, содиқ дўст” китобидан олинди. “Янги аср авлоди”, 2012 йил.202-бет). Демак, Ч. Айтматов тили билан айтганда буюк тарихий шахслар авлодларда рағбат уйғотиши жиҳатидан ҳам улкан суянч тоғидир. “Ўзбек халқининг “Темурнома”сида ўзининг ёрқин ифодасини топган ватанпарварлиги замонавий миллий ўз – ўзини англашга хизмат қилибгина қолмайди, бу табиий бир ҳолдир. Амир Темурнинг бутун туркий дунёнинг ўзимизники деб тан олиши ҳам табиийдир,бунда энг муҳими шу жараёнда дунёга келадиган ва биздан атроф дунёга тараладиган эзгу ниятлар ва истак-этиқодлардир. Энг муҳими, ана шудир, бу эса дунёқарашимизнинг биринчи даражали ўлчови, байроғимиз, рамзимиздир” (203-бет). Чингиз Айтматов ёзганларидан кўчирмалар келтиришимиз, бу нутқни топиб ўқишга китобхонда истак уйғотиш, бирор жумласини ҳам ортиқча деб бўлмайдиган Чингиз Айтматов фикри салмоғини айтишдир. Амир Темур сиймосини бутун туркий дунё рамзи сифатида кўриш, дунёқарашимизнинг ўлчови деб билиш Чингиз Айтматов сиймосида Амир Темур феноменини дунёга машҳур ёзувчилар томонидан тан олиниши ҳам дейишимиз мумкин. Чингиз Айтматов АмирТемур меросини, шахсини яхши ўрганганлиги, Амир Темурга меҳри кўриниб турибди. Амир Темурни бир қанча халқларни қолоқлик гирдобидан чиқариб, тараққиёт йўлига солиб юборганини фахр билан ёзади, адиб. Айниқса, Амир Темурнинг “Европа қитъасига ҳам ўзининг халоскорлик таъсирини кўрсатгани... Русни мўғул зулмидан халос” қилганини Чингиз Айтматовдек жаҳоншумул ижодкорнинг тилидан айтилиши нақадар таъсирчан бўлишини ҳис қилишимиз, қадрига етишимиз керак. Чингиз Айтматов Соҳибқирон ҳақидаги фикрлари билан Амир Темур мисолида тарихий шахснинг миллат тақдирида ўйнаган роли хусусида гапирмоқда. Айни пайтда бугунги авлод учун Амир Темур сиймосини, меросини ўрганиш олға силжишимиз

учун қувват бўлишини айтмоқда. Улуғ Соҳибқироннинг давлатчилик, дин, тил ҳақидаги сиёсатида ҳам бизга ўрناк бўлгулик жиҳатларини Чингиз Айтматов яхши кўрсатади. Амир Темур даҳосини, афсонавий жасоратига тасаннолар айтган беназир ёзувчи Чингиз Айтматов: “Амир Темур инсон зотининг турфа имкониятларини ўзида мужассамлаштирган классик зотдир” - дея улуғлаб ўз нутқини шу сўзлай билан туганганди: “Амир Темур феномени – бу маёқ, бу кўрсаткич, бу йўлчи юлдуз”. Амир Темур ҳақида мустақиллигимизнинг илк йиллари айтилган бу сўзлар жаҳон миқёсида халқимиз обрўсини кўтариш, руҳини парвозлантиришда қанчалик маънавий мадат бўлганини сезишимиз қийин эмас. Амир Темур ҳақида дунё олимлари жуда кўплаб асарлар ёзганлар. Аммо Амир Темур феноменини Чингиз Айтматовчалик кўрсатиб бера олганлари кам. Улуғ ёзувчининг бу маърузасини Амир Темур шахси ёрқин кўрсатиб берилган йирик илмий тадқиқотга менгзаш мумкин.

Чингиз Айтматов “Чўққида қолган овчининг оҳи- зори” асарида ҳам Амир Темур сиймосига эҳтиром кўрсатиб кетганини кўриш мумкин. Маълумки Амир Темурнинг машҳур форс шоири Ҳофиз Шерозий билан учрашувининг турлича талқинлари бор. Аниқ учрашган учрашмаганидан қатъи назар биргина шу воқеа тафсилоти билан Чингиз Айтматов Амир Темурнинг ижодга, шоир шахсига бўлган ҳурматини, Соҳибқироннинг юксак маънавият эгаси эканлигини урғулаб кетган. Амир Темур тилидан айтилган: “Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир”.

Чингиз Айтматовда ўзбек халқига муҳаббат, умумтуркий ғурур ҳисси бўлмаганда Амир Темур бобомиз тўғрисида ёзганлари бу қадар таъсирли чиқмаган бўлурди. Чингиз Айтматовнинг Соҳибқироннинг невараси Улуғбек ҳақида ёзгани ҳам, Амир Темурга оид фикрига уйғун жаранглайди: «Улуғбек менга фақат

Ўрта асрнинг атоқли олими бўлганлиги учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатди ва улуғвор фожиани бошидан кечиришга, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтишга маҳкум этганки, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюқдир».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки Чингиз Айтматовнинг деярли ҳар бир асарида Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқи ҳақида айтиб кетган илиқ фикрларни учратамиз.

Чингиз Айтматовнинг “пахта иши” зўғими пайтида Ўзбекистонни Ўрта Осиё учун Византиянинг қадимги рус давлати ривожига ўрнига қиёслагани, ўзбек адиблари ҳақида ёзганлари кўплаб илмий тадқиқотларга асос бўлиши мумкин. Шу ўринда профессор Ғайбулла ас-Саломнинг қуйидаги сўзларини эслаш жуда ўринли бўлурди: “Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп, иқтидори зўр, инсон қалбини ларзага солгучи соҳиби қаламлар оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсти, қадрдони сифатида бундай одамохунни топиш қийин».

Бу йил Соҳибқироннинг 690 йиллиги кенг нишонлаётган бир вақтда Амир Темур ҳақида самимий дил сўзларини ёзган Чингиз Айтматовдек улуғ адибларнинг ёзганларини эслаш биз учун ҳам қарз ҳам фарз. Мамлакатимизда учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган бир даврда бу жуда муҳим. «Мен ўз тақдиримни ўзбек халқи ҳаётидан айро тасаввур қилолмайман»- деган адиб Чингиз Айтматовнинг Амир Темур ҳақидаги фикрлари Соҳибқирон шахсини улуғлаш билан бирга қарашларимизни янада тўлдиради. Амир Темурнинг жаҳоний сиймолигини таъкидлаб ҳурматимизни оширади. Бу эса, айниқса, замонамиз ёшлари учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Адҳамбек Алимбеков

ТДШУ профессори. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси